

**ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА)  
ОИД ШАРТНОМА № 8/09**

**Самарқанд шаҳри**

**« 10 » « Сентябрь » 2022 йил**

« SAMARQAND OMAD KOMMUNALCHI » МЧЖ кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг устави асосида иш юритувчи директор С. Махмудов, номидан, бир томондан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий-гиббӣёт маркази Самарқанд филиали кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади. Ўзининг устави асосида иш юритувчи Ф.Г. Ўлмасов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар.

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" " Буюртмачи "га филиалга биносининг фасад қисмини таъмирлаш бўйича хизмат курсатади. "Буюртмачи" ушбу "курсатилган хизматлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

**II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**2.1. " Буюртмачи "нинг ҳуқуқлари:**

- 2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- 2.1.2. "Бажарувчи"дан "Хизматлар" " Буюртмачи "нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;
- 2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;
- 2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:
  - зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхшаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;
  - "Хизматлар"нинг қамчиликлари бевул бартараф этилишини ёки қамчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
  - баҳосининг мутаносиб тарзда қамайтирилишини талаб қилиш;
- 2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қоплашини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

**2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:**

- 2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда Бюджет маблағлари доирасида "Бажарувчи" билан шартнома тузиш;
- 2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;
- 2.2.3. «Хизматлар»га мазкур шартноманинг 3.1.-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб, ғазначилик бошқармаси рўйхатидан ўтказгандан сўнг қўл мобайнида ҳақ тўлаш.

**2.3. «Бажарувчи» қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

- 2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;
- 2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қоплашини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

**2.4. «Бажарувчи» қўйидагиларга мажбур:**

- 2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг "Хизматлар"ни кўрсатиш;
- 2.4.2. "Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;
- 2.4.3. Агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чеклинишига йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча қамчиликларни текин тузатиб бериш.
- 2.4.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 иш кунини янунланади.

**III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 110 000 000 сўмни ташкил этади. Кўрсатиладиган "Хизматлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган. Курсатилган хизматлар учун олдиндан тулов 30 % ни ташкил қилади. Қолган 70 % туловни ҳисоб-фактурага асосан товар олингандан сўнг тўлаб берилади.
- 3.2. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул қўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

#### IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртмачи"нинг Ҳисоб-китоб ҳужжатига таъин қилинган бўлимларнинг штампда кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.
- 4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 4.5. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.
- 4.7. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу максалларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади.
- 4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш сарасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланғичидан қамидан 1 кун олдин хабардор қилади.

#### V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Кўрсатилаётган "Хизматлар" сифати, миқдори "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқлангани, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилгани ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" кўрсатилаётган "Хизматлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.
- 5.2. Агар кўрсатилган "Хизматлар"нинг сифати, ассортиментги, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Хизматлар" қийматининг 20 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.
- 5.3. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилгани учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдоридан жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.
- 5.4. Ҳизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўлагани шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартнома зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.
- 5.5. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг ҳагги-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.
- 5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.
- 5.8. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан қопланади.



## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қондага кўра, мустакил равишда уларни судга ҳал этиш чораларини кўрадилар.
- 6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

- 7.1. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.
- 7.2. Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда мудлатидан илгари бекор қилиши мумкин.
- 7.3. Мазкур 110 000 000 сумлик, № 8/09 -сонли шартнома 2022 йил « 10 » сентябрда 2 нусхала тузилган бўлиб, 2022 йил «31» декабрда амал қилади. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Самарқанд вилоят газначилик бошқармасида белгиланган тартибда рўйхатдан утказилгандан сунг қонуний кучга кирди.

## VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибидан бекор қилиниши мумкин.
- 8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт бўлиб ҳақиқий ҳисобланади.
- 8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхала тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.
- 8.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар рўйхатдан утказилгандан кейин бажарилиши керак.)

## IX. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

**Самарқанд Омад Коммуналчи МЧЖ**

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Самарқанд шаҳар Саттепо 18-а уй

Тел./факс: 97) 915-48-88

Х/Р: 20208000304517995001

Банк номи: АТИБ Ипотека Банк Сам.вил.фил.

МФО: 00312      СТИР: 206606517

ОКОНХ: 90190

Раҳбар

С.Махмудов

Ҳуқуқшунос

Лицензия (диплом) № берилган санаси:

«    »      2022 й

Ҳуқуқшунос

Лицензия (диплом) № берилган санаси:

«    »      2022 й

«Буюртмачи»

РИО ва РИАТМ Самарқанд филиали

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: А.Шоҳ Мурод 86 уй

Тел./факс: 235-14-34

ш/х/р 401421860184017073201054004

бюджетдан маблағ олувчи СТИР: 202305435

ОКОНХ: 91513      МФО: 00014

Газначилик бошқармаси номи: Молия Вазирлиги

Газначилиги Самарқанд вилояти

Буйича Газначилик бошқармаси

Газна х/р: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк ХҚҚМ Тошкент шаҳар

бошқармаси манзил: Самарқанд шаҳар Куксарой

майdonи №1

МФО: 00014      ОКОНХ: 97160

газначилик бошқармаси СТИР: 201122919

Директор

Ф.Ф. Улмасов

М.З.

BN 504477 21.06.2003

УИК №003413 7.12.2020

РИО ва РИАТМ Самарқанд филиали ва "Самарқанд омад камуналчи" МЧЖ ўртасида тузилган 2022  
йил 10 сентябрдаги №8/09 сонли шартномага 1-сонли илова

№	мазмун	улчов бирлиги	сон	баҳоси	Жами суммаси
1	Биносининг фасад қисмини таъмирлаш бўйича	дона	1	110 000 000	110 000 000

Жами: Бир юз ўн миллион сум.

РИО ва РИАТМ Самарқанд филиали  
директори:



Ф.Ф.Ўлмасов



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
«РИО ва РИАТМ Сам филиал»**

**Ф.Т.Улмасов**

РИО ва РИАТМ Сам филиал биносининг фасад қисмини таъмирлаш бўйича талабгор ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши

**БАЁНИ**

Самарканд шаҳри

«10» Сентябрь 2022 й.

Комиссия раиси

У.Абдувоҳобов

Иштирок этган комиссия аъзолари:

Д.Б.Рахматов

Котиб, ДИБДУ

Э.Давронов

Комиссия аъзоси,

Ф.Хусанов

Комиссия аъзоси,

М.Каримова

Комиссия аъзоси,

**КУН ТАРТИБИ:**

РИО ва РИАТМ Сам филиал биносининг фасад қисмини таъмирлаш бўйича.

Дирекция томонидан 2022 йил 24 августда Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига РИО ва РИАТМ Сам филиалри ободонлаштириш бўйича бўйича №140184-лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 08 сентябрдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган РИО ва РИАТМ Сам филиалини жорий таъмирлаш бўйича баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан LOYISH O'TKIR QURILISH XK ғолиб деб топилган эди ва бу корхона ўз таклифини ўз хоҳиши билан бекор қилинганлиги учун Ўзбекистон Республикаси 684-Қонунда белгиланган талабларга кўра захирадаги ғолибга ўтказилиши белгиланган. Шунинг учун захирадаги ғолиб «SAMARQAND OMAD KOMMUNALCHI» МЧЖ корхонаси ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш қунига жойлаштирилди. Икки иш қуни давомида давлат

харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Марказ бош бухгалтери У.Абдувоҳобов:

Юкоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 8-сентябрдаги электрон баённомасига асосан захирадаги қоғоз «SAMARQAND OMAD KOMMUNALCHI» МЧЖ қорхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Ф.Хусановга хизмат кўрсатиш сифат даражаси назорат қилинсин.

Комиссия раиси  У.Абдувоҳобов

### Комиссия аъзолари

Д.Б.Раҳматов  Котиб, ДИБДУ

Э.Давронов  Комиссия аъзоси,

Ф.Хусанов  Комиссия аъзоси,

М.Каримова  Комиссия аъзоси,